

**FEATURES OF THE STUDY OF SOCIAL CONFLICTS BY ORIENTAL THINKERS*****Sharofiddin Shamshurovich Khasanov****Doctor of Philosophy (PhD), Associate Professor**Deputy Head of the Faculty of Administrative and Organizational Activities**Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan**Tashkent, Uzbekistan***ABOUT ARTICLE**

**Key words:** social conflict, anger, social groups, closed society, Labor relations, morality, individual freedom, violence, national and ethnic relations, public life.

**Received:** 07.09.25**Accepted:** 08.09.25**Published:** 09.09.25

**Abstract:** The article analyzes in detail the content and essence of social conflicts and classifications of their historically changing nature, the evolution of the historical and social views of Eastern thinkers on political conflicts.

**ШАРҚ МУТАФАККИРЛАРИ ТОМОНИДАН ИЖТИМОЙ ЗИДДИЯТЛАРНИНГ ЎРГАНИЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ*****Шарофиддин Шамшуроевич Ҳасанов****фалсафа доктори (PhD), доцент,**Маъмурӣ-ташиқирий фаолияти факультети бошлиги ўринбосари,**Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Академияси**Тошкент, Ўзбекистон***МАҚОЛА ҲАҚИДА**

**Калит сўзлар:** ижтимоий зиддият, қаҳр-ғазаб, ижтимоий гурухлар, ёпик жамият, меҳнат муносабатлар, одоб-ахлоқ, шахсий эркинлик, зўравонлик, миллий-этник муносабатлар, ижтимоий ҳаёт.

**Аннотация:** Маколада Шарқ мутафаккирларнинг ижтимоий зиддиятларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг тарихий ўзгарувчан характеристикалари, ижтимоий зиддиятлар ҳақидаги тарихий-ижтимоий қарашлар эволюцияси атрофлича таҳлил қилинган.

**ОСОБЕННОСТИ ИССЛЕДОВАНИЯ СОЦИАЛЬНЫХ КОНФЛИКТОВ  
МЫСЛИТЕЛЯМИ ВОСТОКА*****Шарофиддин Шамшуроевич Ҳасанов****доктор философии (PhD), доцент*

*заместитель начальника факультета административно-организационной деятельности  
Академия Министерства внутренних дел Республики Узбекистан  
Ташкент, Узбекистан*

## О СТАТЬЕ

**Ключевые слова:** социальный конфликт, злоба, социальные группы, замкнутое общество, Трудовые отношения, нравственность, свобода личности, насилие, национально-этнические отношения, общественная жизнь.

**Аннотация:** В статье подробно анализируются содержание и сущность социальных конфликтов и классификации их исторически меняющегося характера, эволюция историко-социальных взглядов мыслителей Востока на политические конфликты.

Зиддиятлар инсоният билан унинг хаёти давомида доимий бирга келади. Ибтидоий жамият даврида ёқ дастлабки қарама-қаршиликлар ва тўқнашувлар пайдо бўлган. Зиддиятлар доимо инсоният тарихида мавжуд бўлган, аникроғи, зиддиятлар тарихни ўзининг ўзгарувчан оқимида кечишига сабаб бўлган. Шу билан бирга, ушбу харакатда сифатли, босқичма-босқич ўзгаришлар мавжуд. Тарих ва зиддият бир-биридан ажралмас тушунчалардир. Қадимги даврлардан бошлаб ижтимоий зиддиятлар инсон эътиборини ўзига тортган. Ижтимоий зиддиятлар ҳакида бизгача етиб келган кўплаб манбаларни, адабий санъат ёдгорликларини учратиш мумкин.

Ижтимоий зиддиятларнинг тарихий ижтимоий жиҳатдан ўрганишнинг даслабки асослари қарама-қаршиликлар бирлиги ва ўзаро курашига оид категорияларни ўрганиш жараёнида қадимги дунё файласуфлари томонидан шакллантирилган. Масалан, қадимги Хитой файласуфи Лао Цзи дунёning асосида бирламчи манба Янь (ёруғлик) ва Инъ (коронғулик) ётади, улар нафақат ўзаро бир-бири билан курашади, балки бир-бирини тўлдириб ҳам боради деб ҳисоблаган [1.С.629].

Милоддан аввалги VI асрда ёқ Конфуций қаҳр-ғазаб ва такаббурлик ва улар билан бирга зиддиятларни, биринчи навбатда, одамларнинг тенгсизлиги ва бир-бирига ўхшамаслиги масаласига тўхталиб ўтган. [2.С.629] У одоб-ахлоқни яхшилаш, ёмон иллатларни йўқ қилиш, жанжаллардан қочишига эришиш кераклигини уқтирган. Конфуцийнинг ўзи кўплаб шогирдларининг фикрича кўплаб фазилатларга эга бўлиб, “мехрибон, яхши, хурматли, талабчан ва хушмуомала” шахс сифатида тасвирланган. Унга қуйидаги тўртта хусусият спекуляцияга мойиллик, ҳаддан ташқари қатъиятлилик, ўжарлик ҳамда худбинлик бегона бўлган. [3.С.629] Конфуций ўзидағи ушбу хусусиятларни ўзининг ҳикматлари ва амаллари билан шогирдларига сингдиришга интилган.

Ўрта Осиёда илк Уйғониш даври деб ном олган IX-XII асрларда фаолият кўрсатган мутафаккирларнинг дунёвий маърифатга интилиши ва бу йулда ўтмиш давлатларнинг маданияти ютуқларидан кенг фойдаланиш, инсонни улуғлаш, унинг маънавий

фазилатларини асослаш борасидаги фикр-мулоҳазалари жамиятдаги ижтимоий зиддиятлар хақидаги тарихий-тадрижий баҳсларда ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Абу Наср Форобий биринчилардан бўлиб жамиятнинг келиб чиқиши ва давлатни қандай бошқариш кераклиги хақидаги илмий-назарий билимлар тизимини ишлаб чиқди. Булар асосан қуийдагилардан иборат:

ижтимоий ҳаёт хақидаги фан ва унинг вазифаси;

инсон жамоасининг вужудга келиши, таркиби ва турлари;

шаҳар-давлат жамоасининг ҳаёти ва фазилати, давлатнинг фаолияти вазифаси ва уни бошқариш шакллари;

инсоннинг жамиятдаги ўрни ва вазифаси, ақлий, ахлоқий камолоти масалалари;

давлат жамоасининг мақсад ва вазифалари, инсонни баҳт-саодатга эриштиришнинг усуллари ва йўл-йўриқлари.

Форобийнинг фикрича, жамиятдаги ижтимоий зиддиятларнинг бирдан бир сабаби одамлар тафаккурида ижтимоий ҳаёт, шаҳар-давлат, ахлоқ ва фикр илмларининг тўла шаклланмаганигидадир. Ўз навбатида юзага келмоқчи бўлаётган ижтимоий зиддиятларнинг олдини олишда ҳамда одамларнинг ушбу илмлар бўйича олган юқори билимлари ижобий натижалар бериши ҳақида гапириб, назарий билимларнинг эгалланиши амалиётда муҳим аҳамиятга эга эканлигини уқтиради. Форобийнинг жамият ҳақидаги мулоҳазаларида “зўравонлик ва мажбурлаш таълимоти” қораланади. Чунки ҳар қандай давлат ва жамиятда “зўравонлик ва мажбурлаш таълимоти” нинг амалиётда акс этиши, ўша давлат ва жамиятдаги зиддиятлар шаклланишининг асосидир. Форобий “зўравонлик ва мажбурлаш таълимоти” га қарама-қарши ўлароқ «табиий эҳтиёж назарияси» ни илгари суради. Зоро, одамларнинг биргаликда тутув яشاши, жамоаларга уюшиши, бир-бирига ёрдамлашиб кун кечириши кабилар табиат ва жамиятдаги “табиий эҳтиёж” мавжудлигининг белгисидир. Фаробийнинг фикрича, одамларни бирлаштириб турувчи бош мезон инсонийликдир. Шу туфайли одамлар одамзод туркумига оид бўлганлиги учун ҳам ўзаро тинчликда яшамоқлари лозим [4.268.6]. Демак, инсонийлик – энг улуғ неъмат бўлиб, у жамиятдаги зиддиятларнинг юзага чиқмаслиги учун одамларни тинч-тотувлика чорловчи ижтимоий манба.

Ҳар бир одам ўз даврининг фарзанди, жумладан, Форобий ҳам. У ўз даври турмуш тарзидан келиб чиққан ҳолда жамиятдаги фозил ва жоҳил шаҳар-давлатлар ўртасидаги фарқларни бир-бирига таққослайди [4.268.6]. Дехқончилик, чорвачилик, тўкувчилик, балиқчилик каби соҳалар билан биргаликда касб-хунарга катта эътибор бериш фозил шаҳар-давлатга хос бўлган хусусиятдир. Халқларнинг бир-бирлари худудларини босиб олиши, асиrlарни қул сифатида ишлатиши, факат ўз давлатининг тинч-тотувлигини,

фаровон ҳаётини кўзлаган давлатни жоҳил шаҳар-давлат, деб таърифлайди. У жоҳил шаҳар-давлатларнинг мавжудлигини нафақат давлатда, балки жамиятда ҳам зиддиятларнинг тобора кенгайишидаги бош омил сифатида қоралади.

Ўрта Осиёдаги илк Уйғониш даври вакилларидан яна бири Абу Али ибн Сино бўлиб, жамиятдаги зиддиятлар хақида ўзининг “Рисолату тадбири манзил”, “Иншорат ва Танbihат” каби асарларида ўз мулоҳазаларини билдирган. Жумладан, “Рисолату тадбири манзил” асарида шундай ёзди: “...одамларнинг мулкий тенгсизлиги, вазифасининг бир хил эмаслиги, ўзаро фарқлари, инсон ижтимоий фаолиятининг асосий сабабидир” [5.C.25-37]. Бизнингча, тарихан бундай ижтимоий борлиқ илк маротаба ақл идрокли одамлар даврида шаклланган. Демак, бу фикрларга асосланган ҳолда зиддият аввало ижтимоий ҳодиса эканлигини алоҳида таъкидлаш мумкин. Ибн Синонинг жамиятда ўзаро боғлиқлик ва алмашув жараёнида инсонлар бир-бирларини қандайдир муҳтожлиқдан ҳоли этиши» хусусидаги қарашларини Форобий «табиий эҳтиёж назарияси»нинг тадрижий давоми сифатида қарашимиз мумкин. Бироқ юқорида таъкидланганидек, Форобий табиий эҳтиёж назариясини жамиятдаги зўравонлик ва мажбурлаш таълимотига қарама-қарши кўйса, Ибн Сино эса ўзаро боғлиқлик ва алмашув жараёнида инсонлар бир-бируни қандайдир муҳтожлиқдан ҳоли этишидан кейингина жамиятда «адолат қоидалари ва қонунлари ўрнатилади деб ҳисоблашини кўриш мумкин. Адолат қоидалари ва қонунлари ўрнатилган жамиятда ижтимоий зиддиятларнинг тобора камайиб бориши табиий ҳолдир.

Илк уйғониш даври намояндларидан яна бири Абу Райхон Берунийдир. Унинг ижтимоий зиддиятлар ҳақидаги қимматли фикрлари орасида жамиятда инсонларнинг мақсад ва ниятлари ҳар хил бўлгач, санъат ва хунар ҳам турли хил кўринишида бўлади, меҳнатнинг тақсимланиши ҳам ўз ўзидан бир биридан фарқ қиласи» деган қисми бевосита чуқур мулоҳазага таянилган ҳолда ишлаб чиқилганини илғаш мумкин. Беруний инсон ҳаёти ва ижтимоий ҳолатини белгиловчи омиллар деб қўйидагиларни кўрсатиб ўтади. Ақл, меҳнат ва эркин танлаш имконияти. Ушбу мезонларга асосланган жамиятнинг соғлом жамият бўлиши, инсонлар ўртасида вужудга келган зиддиятларнинг кенг ёйилмаслигага олиб келишини алоҳида уқтиради. У жамиятдаги зиддиятлар мавжудлигининг муҳим сабабларидан яна бири сифатида одамлар ўртасидаги табақачиликни кескин коралайди. Табақачилик жамиятда эркин танлаш» ўрнига шаклланган «эркин буйсуниш» дир. “Эркин буйсуниш замираida томонларнинг қўрқуви ва зўравонлиги ётади. Қўрқув ва зўравонлик мавжуд бўлган жойда зиддиятнинг бўлиши муқаррар [6.C.488], деб ҳисоблайди.

Алишер Навоийнинг асарларида ҳам бевосита зиддият масаласи ва уни ечимини топишга бўлган қарашларни кўриш мумкин. Жумладан, Алишер Навоийнинг машхур “Хамса”сининг якуний қисми сифатида яратилган “Садди Искандарий” достонидаги

Искандар тимсоли золим босқинчи, вайрона келтирувчи зобит ҳам эмас, дунё лаззатларидан кўл силкиган дарвеш, зоҳид ҳам эмас. Зўравонлик, золимликнинг ашаддий душмани, имкони борича қон тўкишдан қочиб, мазлумларни ҳимоя этувчи адолатли, лекин шахсий зиддиятлардан холи бўлмаган, борган сари ҳукмонлик лаззатини англаб ета бошлаган шоҳ тимсолидир. У дунё лаззатларидан меъёрида фойдаланувчи, меҳрибон, раҳмдил одам, олим-донишманд [7..160.б]. Бу ерда кўришимиз мумкинки, буюк адаб бевосита ўз асарлари орқали зиддиятлардан қочишга, уларни жамият учун заарли эканлигини ўқувчиларга етказиб беришга интилган.

Ижтимоий зиддиятлар масалаларини таҳлил қилиш Ўзбекистонда фан сифатида давлатимиз мустақилликка эришиши билан ҳамоҳанг бир вақтда юзага келди. Зиддият ва ижтимоий зиддият масалаларини фан доираси жиҳатидан таҳлилларини Р.З.Жумаев, У.А.Убайдуллаев, Б.А.Хўжановларнинг илмий қарашларида кўришимиз мумкин. Геосиёsat соҳасида изланишлар олиб борган А.Хасановнинг фикрларида ҳам зиддият ва уларни бартараф этиш усуллари таҳлили берилган. Ижтимоий гуманитар фанлар соҳасида Ўзбекистонда зиддиятларни бартараф этиш масаласида кўрсатилган фикрлар асосида ҳам зиддият тушунчаларининг таҳлилини кўриш мумкин. Ҳозирги вақтда ижтимоий зиддият масаласини таҳлилини ўрганиш учун конфликтология фани ўқитилмоқда.

Юқорида биз турли даврларда яшаб ижод этган Шарқ мутафаккирларининг ижтимоий зиддият масаласига бўлган фикр мулоҳазаларини таҳлил қилдик. Қадимги, ўрта даврда яшаб ижод этган олимлар орасида зиддият, кураш ва уларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини тушунишда ягона бир яқдиллик йўқлигини кўришимиз мумкин. Қадимги олимларнинг баъзилари ҳар қандай қарама-қаршилик ва зиддиятлар бартараф этиладиган жамиятни яратишга умид қилиб, утопик фикрлар билдирганлар. Бундай қарашларнинг хилма хиллигига асосий сабаб қилиб турли даврларда мавжуд бўлган ижтимоий ҳаётни кўрсатишими мумкин бўлади. Ҳар бир мутафаккир ижтимоий зиддият масаласига ўз даври нуқтаи назаридан ёндашган. Илм фаннинг тараққиёти, ишлаб чиқаришнинг такомиллашуви, давлатлар ўртасидаги муносабатларнинг ортиб бориши ва шу каби бир қанча омиллар зиддиятнинг ҳам янада кенгроқ кўринишда намоён бўлишини юзага келтирди. Шундан келиб чиқиб таъкидлашимиз мумкинки, зиддият масаласини таҳлилини бевосита тарихийлик нуқтаи назаридан таҳлил этиш ўринлидир.

Хулоса қилдиган бўлсак, бугунги кунда аксарият ижтимоий-гуманитар соҳа олимлари томонидан ижтимоий зиддиятлар муаммосини ўрганиш шунчаки оддий бир ҳодиса эмас, балки бутун инсониятнинг янги асрда тирик қолиши шарти сифатида қаралмоқда. Инсоният ҳаётига хавф солувчи ҳодисаларидан бўлган ва тобора шафқатсиз тус олаётган чеки йўқ урушлар ва ижтимоий зиддиятлар, жамиятда турли хил “фобия” ларнинг кенг тарқалиши,

ҳар бир индивидуал онгнинг заарли стереотипларга мойиллиги жамият ва инсон ҳаётида мавжуд зиддиятларнинг мазмунини чуқурроқ тушуниб етиш лозимлигини кўрсатмоқда.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

1. Щучкий Ю.К. Китайская классическая Книга перемен. – Москва.: Наука. Издательская фирма «Восточная литература». – С.629.
2. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб (қадимий давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари). – Тошкент.: «Ўзбекистон», 1997. – 250-б.
3. Форобий Абу Наср. Одамларнинг бирлашувга ва ўзаро ёрдамга эҳтиёжи борлиги ҳақида сўз // Фозил одамлар шахри. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2016. – 238 б.
4. Ибн Сино Абу Али. Тадбири манзил // Осори мунтахаб. Чилди 2. – Душанбе, 1980. – С.25-37.
5. Бируни Абу Райхан. Избранные произведения /АТ УзССР. Ин-т востоковедения. – Ташкент.: 1957. Т.1. Памятники минувших поколений. – С.488.
6. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб (қадимий давр ва ўрта асрлар маданий алоқалари). – Тошкент.: «Ўзбекистон», 1997. – 160-б.